

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЭШАНКУЛОВ ШАХЗОД ЭШКУВАТОВИЧ**

**XX АСР ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ  
(топономик материаллар асосида)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Эшанкулов Шахзод Эшкуватович**

XX аср Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби

(топономик материаллар асосида)..... 3

**Эшанкулов Шахзод Эшкуватович**

Этническая структура населения Зарафшанской долины в XX веке

(на основе топонимических материалов) ..... 23

**Eshankulov Shakhzod Eshkuvatovich**

Ethnic composition of Zarafshan oasis in the XX century

(on the basis of toponimic materials) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЭШАНКУЛОВ ШАХЗОД ЭШКУВАТОВИЧ**

**XX АСР ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ  
(топономик материаллар асосида)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar130 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзиллирига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Адхамжон Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дониёров Алишер Худайбердиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Қаюмов Асрор Раимович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «      » июнь соат        даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти, 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998) 71233-54-70; 71-233-73-19; факс: (998) 71-233-39-91; e.mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz); Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (       рақам билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (998) 71-262-74-58; факс: (998) 71-262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «      »        кунни тарқатилди.  
(2020 йил «      »        даги        рақамли реестр баённомаси).



**А.С.Сагдуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

**М.Х.Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.и.

**А.Х.Дониёров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI асрда юз бераётган интеграцион жараёнлар инсониятнинг тарихан шаклланган ранг-баранг миллий ва маданий қадриятларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни сақлаб қолишни тақозо қилмоқда. Айниқса, тарихий-маданий минтақалар бўйлаб турли халқларнинг жойлашуви, миграцияси ва уларнинг миллий-маданий меросини тадқиқ этишда тарих, этнология, ономастика ва топонимия каби фан тармоқларининг соҳалараро тадқиқотлари долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари, жумладан, “Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти (IFEAC Франция), “Туркология маркази” ва “Туркий халқлар академияси” (МДХ давлатлари)да тарихий жой номлари, топонимлар, этнонимлар ва уларнинг тарихий-этник илдизи, мазмун-моҳияти, лингвистик хусусиятлари борасида самарали тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Маълумки, топонимика бошқа сўз категорияларидан фарқ қилиб, тарихнинг турли даврлари ва босқичлари ҳақида бой маълумотларни ўзида сақлайди. Унда халқлар ва минтақалар тарихининг бир қисми акс этган. Шунинг учун тарихий, археологик, этнологик тадқиқотларда ономастик ва топонимик материаллар муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш, Республиканинг турли тарихий-этнографик минтақаларидаги жой номлари, хусусан, этнотопонимларни илмий асосда таҳлил қилишда жаҳон тажрибаси ва илм-фан ютуқларидан фойдаланилмоқда. Вазирлар Маҳкамасида 2020 йил 9 март куни “Географик объектларнинг номлари, шунингдек жамоат жойлари, кўчалар, бинолар пештоқидаги турли лавҳа ва рекламаларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш ҳамда Давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш” масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида қатор вазифалар белгиланди.

Қадимдан мураккаб этник таркибга эга бўлган Зарафшон воҳаси тарихий топонимикасининг ранг-баранг хусусиятлари тарихий-этнологик тадқиқотларда муҳим манба ҳисобланади. Мазкур воҳа топонимлари, асосан, табиий-иқлим шароити ва шу асосда шаклланган хўжалик муносабатлари, аҳолининг моддий ва маънавий маданияти, турли халқлар ва элатларнинг таъсири асосида шаклланган. Бу эса топонимлардан этнологик илмий тадқиқотларда манба сифатида самарали фойдаланиш, уларни миллий қадриятлар манбаи, маънавий бойлик сифатида ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш заруратини белгилайди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисидаги” Қонуни ҳамда 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб берилган вазифаларни бажаришда, хусусан, ўзбек халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номларини муҳофаза қилинишини таъминлаш, асоссиз ўзгартиришларни

олдини олиш мақсадида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Ергеокадастр давлат кўмитаси Республика топонимика хизмати томонидан белгилаб берилган ҳукуқий-меъёрий вазибаларни бажарилишида муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирда анъанавий этнографик тадқиқот усуллари асосида аҳолининг этник таркибини ўрганиш бирмунча қийин масала ҳисобланади. Чунки асрлар давомида турли минтақаларда яшаган турли этник гуруҳлар аллақачон ўтроқлашиб, ўз уруғ номларини унутганлар. Шу сабабли ҳам аҳоли этник таркибининг ҳақиқий манзарасини тиклашда этнотопонимларнинг манба сифатидаги роли салмоқлидир. Тадқиқот жараёнида тарихий этнотопонимлардан қадимги тилларни яхши билган шарқшунос, манбашунос ва этнолог олимлар самарали фойдаланишган. Жумладан, тарихчи ва шарқшунослар В.Бартольд, В.Вяткин, П.Иванов, О.Чехович, Р.Мукминова, А.Муҳаммаджонов, А.Хўжаев, М.Исоқов, Ш.Қамолиддин, А.Отахўжаев, Ғ.Бобоёров ва этнолог олимлардан К.Шониёзов, Б.Қармишева, С.Губаева, А.Маликовлар тадқиқотларида топонимик маълумотлардан кенг фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

Этнонимлар билан боғлиқ бўлган жой номларини тадқиқ қилиш бўйича назарий ишланмалар ва тадқиқотлар В.Никонов, Э.Мурзаев, Е.Поспелов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, У.Тўйчиев<sup>1</sup> каби мутахассисларнинг илмий ишларида намоён бўлади. Муаллифлар этнотопонимларнинг пайдо бўлиши масаласида турли фан тармоқлари айниқса, этнография, география ва лингвистика билан ўзаро боғлиқликдаги комплекс тадқиқотларни бажарилиши самарали эканлигини таъкидлашган.

Мавзунинг тарихшунослиги даврий-хронологик ва муаммовий аспектда диссертациянинг биринчи боб иккинчи параграфида батафсил ёритилган.

---

<sup>1</sup> Никонов В. Этнография и ономистика // Советская этнография (СЭ). – М.: Наука.: 1971. – № 5. – С. 25-36; Ўша муаллиф. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С. 178; Мурзаев Э. Очерки топонимики. – М.: Наука., 1977. – С. 202-234; Ўша муаллиф. Тюркская этнотопонимия // Этническая топонимика. – 1987. – С. 32-61; Поспелов Е. Этнонимы в топонимике // Этническая топонимика. 1987. – С. 5-13; Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – 203 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.; Раҳматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф.дисс. ...канд.фил. наук. – М., 1973. – 31 с.; Тўйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины): Автореф. дисс....канд. ист. наук. – Ташкент, 1990. – С. 23; Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари: Фил. фан. ном....дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 25 б.; Туробов А. Самарқанд вилояти этноойконимларининг таҳлили: Фил. фан. ном....дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилоят топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.; Ўша муаллиф. Асрлардек барҳаёт номлар. – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 264 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот якунида эришилган илмий натижалар ва хулосалар Давлат илмий техник дастурлари асосида ЎЗР ФА Тарих институтида амалга оширилган ЁФ1-ФА-О-12230. “Ўзбеклар миллий идентикликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” номли амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Зарафшон воҳаси аҳолисининг XX асрдаги этник таркиби ва минтақа аҳолисининг табиий-маданий ландшафтлар бўйича жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини топономик материаллар асосида тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳолининг этник таркиби ва жойлашув хусусиятларини ўрганилиши борасидаги назарий-методологик қарашларни аниқлаш;

воҳа аҳолисининг этник таркиби ва жойлашув хусусиятлари акс этган турли даврлардаги статистик нашрлар, тарихий-этнографик материаллар, илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва тарихшунослик нуктаи-назаридан асослаш;

минтақа топонимлари ва ономастикасини ўрганиш асносида этнонимлар ва улар асосида ташкил топган жой номларини тавсифлаш ҳамда уларнинг картографиясини ишлаб чиқиш;

воҳа топонимларининг ўзига хос хусусиятлари, туркумлари, унинг нисбатан яқин худудлардаги параллелларини аниқлаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий тадқиқ қилиш;

воҳада муайян жой номларининг, шу жумладан, этнотопонимларнинг шаклланишига хизмат қилган омиллар, географик муҳит, тарихий, ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни аниқлаш;

Зарафшон воҳаси этнотопонимларининг пассив ва фаоллик даражасини аниқлаш ва уларнинг минтақалар (вилоят ва туманлар)га кўра тарқалиш динамикасини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Зарафшон воҳасининг жой номлари, антропотопоним, этноним ва топонимлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XX асрда Зарафшон воҳаси топонимлари, уларнинг тарихи, аҳолининг этник таркибини ўзида акс эттириши, пассив ва фаоллик даражаси ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий объективлик, илмий холислик, комплекс ёндашув, қиёсий тилшунослик, фанлараро тадқиқот методи ва шахсий кузатув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси аҳолиси этник таркиби ва этнотопонимлари турли омиллар (табиий-географик, этник, этномаданий алоқалар) билан биргаликда хилма-хил этник компонентларнинг ўтроклашуви ва қоришуви асосида шаклланганлиги очиқ берилган;

Зарафшон воҳасига оид топономик ва ономастик материалларни тарихий-этнографик материаллар, статистик ва топономик хариталар асосида тадқиқ қилиш жараёнида минтақада “92 бовли ўзбек уруғи”дан 63 таси

мавжудлиги, жумладан, Самарқанд вилоятида 58 та, Бухорода 46 та, Навоийда 36 та жой номлари тарихий асосларига кўра туркий халқларга хос этнонимларни субстрат негизи асосида ташкил топганлиги аниқланган;

минтақада тарихан шаклланган этнотопонимларнинг худудий (тоғ, тоғолди ва текислик) ва этнолингвистик хусусиятлари (ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, араб) тарихий-этнографик, статистик ва картографик материаллар асосида далилланган;

XX асрда Зарафшон воҳасида советлар даври мафкуравий сиёсати натижасида пайдо бўлган топонимлар (Ленин, Ленин йўли, Куйбишев, Коммуна, Комсомол, Партсъезд, Советобод, Иттифоқ ва х.к.) ўрнига мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, тарихий меросга бўлган давлат сиёсати натижасида ўзбек халқи этник тарихи билан боғлиқ этнотопонимлар (Миришкор, Урганжи, Нуробод) қайта тикланганлиги ва улар замонавий жамиятда миллий кадрият сифатида кадрланиши кўрсатиб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркибига кўра полиэтник хусусияти сақланиб қолган тарихий этнонимлар ва топонимларнинг статистик ва хариталаштирилган базаси яратилиб, илмий муомалага киритилди;

воҳадаги жой номларининг миллий-этник (ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, араб қаби), этнонимик (кипчоқ, найман, хитой, қарлук, манғит, кўнғирот, дўрман ва х.к.) ва ижтимоий-худудий гуруҳлари (хўжа, шайх, эшон, урганжи, қаршилиқ ва х.к.) ҳамда аҳолининг хўжалик машғулоти (деҳқон, чорвадор, хунарманд)га кўра таснифлари ишлаб чиқилиб, хариталаштирилди;

воҳа этнотопонимларининг тарихий асоси ва мазмун-моҳияти аниқланиб, бу жиҳатларнинг тарихий жой номларини тиклаш ва сақлаб қолишдаги амалий аҳамияти кўрсатиб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда жаҳон этнология фани ютуқлари ва унга ёндош фан тармоқларининг тадқиқот методлари, илмий ёндашувларидан фойдаланилгани, тарихий, этнографик, топонимик ва лингвистик материалларнинг қиёсий ўрганилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти – XX асрда Зарафшон воҳасида мавжуд бўлган жой номлари комплекс ўрганилиб, тизимлаштирилиши натижасида воҳа аҳолисининг этник таркиби хусусиятлари очиқ берилган ва минтақа аҳолисининг тарихига доир бирёқлама хулосаларга аниқлик киритилган.

Тадқиқот натижаларидан ўзбек халқи этномаданиятини ўрганишга бағишланган изланишларни амалга оширишда, Олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талабалари учун “Этнология” ва “Топонимика” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш, жой номларининг тарихий мазмун-моҳиятини аниқлаш, атамашунослик ишларида фойдаланиш мумкин.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX асрда Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби масалаларини топономик материаллар асосида тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Зарафшон воҳаси аҳолиси этник гуруҳи ва этнотопонимлари минтақавий омиллар бўйича турли этник компонентларнинг ўтроклашуви ва ассимиляцияси асосида шаклланганлиги ҳақидаги материаллардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканалининг “Ассалом Ўзбекистон” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали ДУКнинг 2019 йил 19 сентябрдаги 01-11-1912-сонли маълумотномаси). Бу эса тарихий аҳамиятга эга бўлган жой номларини тиклаш ва сақлаб қолиш, кенг илмий жамоатчилик ва сайёҳлар учун илмий асосланган маълумотлар базасини тизимлаштиришга хизмат қилган;

минтақадаги этнотопонимларнинг локал-худудий (тоғ, тоғолди ва текислик) хусусиятлари, кўшни ва яқин худудлардаги жой номларининг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш, турли ғоявий номларни ўзгартиришда эътиборга молик жиҳатларга доир маълумотлардан ЎЗР Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг жой номларини ўзгартириш, янги номлар қўйиш борасидаги таклиф ҳамда мурожаатларни ўрганишда фойдаланилди (ЎЗР Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 15 июлдаги 02-02/452-сонли далолатномаси). Илмий натижаларни қўлланилиши вилоят, туман ва маҳаллалардаги жой номларининг тарихий асослари, маъно ва мазмуни, миллий кадриятлар тизими сифатида маҳаллий аҳолининг ўз эли ва юртига даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш, тарихий хотирани тиклаш борасидаги амалий ишларнинг самарадорлигини оширишга асос бўлган;

Зарафшон воҳасига хос тарихий номларнинг ташкил топиши ва шаклланиши, табиий – географик шарт-шароит, аҳолининг хўжалик хусусиятлари, турли касблар билан боғлиқ бўлган жой номларининг нисбати юқори нуфузга эгаллиги борасидаги маълумотлардан ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси минтақа аҳолисининг таркибига доир бирёқлама хулосаларга аниқлик киритиш ва миллатлараро тотувлик ғояларига асосланган тадбирларни ташкил қилишда фойдаланилган (ЎЗР ВМ ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитасининг 2020 йил 9 мартдаги 01-07-476-сонли далолатномаси). Бу эса минтақа аҳолисининг этник тарихига доир бирёқлама хулосаларга аниқлик киритиш ва Қўмита ҳужжатлари ва тадбирларини ташкил этишда муҳим назарий манба сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, 2 та халқаро ва 7 та республика миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (улардан 3 таси республика, 2 таси хориж журналларида) мақола эълон қилинган, 9 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг **“Аҳолининг этник таркибини ўрганишга оид назарий-методологик ёндашувлар ва мавзу тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобида аҳолининг этник таркиби этнотопонимлар муаммосини ўрганиш методологияси ва усуллари, мазкур феномен шаклланишига оид ҳукукий-назарий, тарихий, илмий концепциялар таҳлили амалга оширилган, мазмун-моҳияти, макон ва замонда намоён бўлиш хусусиятлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Биринчи бобнинг *“Аҳолининг этник таркибини аниқлаш ва тарихий топонимика муаммоларига оид назарий-методологик ёндашувлар таҳлили”* номли биринчи параграфда ҳудуднинг этник таркиби, топонимикасининг тадқиқ қилишнинг методологик асослари таҳлил қилинган.

Ҳозирги кунда жаҳон фанида этник тарих йўналишида кўплаб илмий методлар ишлаб чиқилган бўлиб, бир қатор мамлакатларда, хусусан, Фарбда халқ ёки миллатнинг шаклланиш жараёнига конструктивлик (қурилма) назарияси нуктаи назаридан ёндашилади<sup>2</sup>.

Конструктивлик назариясига кўра, халқ ва миллат (nationality) шаклланишида асосий роль давлатнинг зиммасига тушади. Бир неча тилларда сўзлашувчи халқлар ягона давлат ҳудудида яшаши натижасида уларнинг битта миллат бўлиб шаклланиши жараёни юз беради.

Замонавий фанда одатдаги этнографик услублар асосида аҳолининг этник таркибини ўрганиш анча қийин масала ҳисобланади. Қолаверса, узоқ асрлар аввал у ёки бу минтақада жойлашиб қолган этник гуруҳлар аллақачон

<sup>2</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Хобсбаум Э. Изобретение традиций // Вестник Евразии. – 2000. – №1(8). – С. 60-61; Андерсонн Б. Воображаемые сообщества: Размышления об истоках и распространении национализма. – М.: Конон-пресс-ц, 2001. – С. 24; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – Б. 34-37.

ўтроклашиб, ўз уруғ номларини унутганлар. Шу сабабли ҳам аҳоли этник таркибининг ҳақиқий манзарасини тиклашда топонимлар манба сифатида муҳим роль ўйнади. Модомики, ҳар қандай ҳудуд топонимикасида турли халқларнинг номлари, этнонимлар жой номлари сифатида сақланиб қолган экан, топонимик сўз категориялари тарихнинг турли даврлари ва босқичлари ҳақида маълумотларни ўзида сақлайди. Уларни тегишли ишланмалардан сўнг тарихий-географик ва тарихий-этнографик тадқиқотлар учун манба сифатида қабул қилиш мумкин.

Тарихий-этнографик тадқиқотларда топонимик маълумотлардан тўғри фойдаланишда маълум бир тадқиқот услублари воситасида тарихий-қиёсий таҳлилни амалга ошириш зарур. Бунинг учун бевосита аҳоли ўртасида тадқиқот ўтказилиб, жой номлари ва унинг мазмуни ҳақида маълумот тўпланади. Қўйилган масала моҳиятини ечишда ёрдам берадиган тарихий ва картографик услублардан фойдаланилади: 1) тўпланган топонимлар, этнотопонимларни алфавит тартибида картотека тизимига солиш, унинг аниқ географик нуқтасини кўрсатиш; 2) ўрганилаётган ҳудудни этнотопонимик жиҳатдан районлаштириш, ҳудуддаги этнотопонимик қатламларни аниқлаш. Асосий мақсад – топонимик, этнотопонимик маълумотларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва шу асосда ўзбек халқи этник тарихига, Зарафшон воҳасининг тарихий географияси ва аҳолисининг шаклланиш тарихига доир янги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш.

Тадқиқот учун ўрганилган ҳудуднинг этнотопонимлари, этногидронимлари ва этнооронимлари асосий манба бўлса, ҳудуднинг хўжалик-иқтисодий хариталари, тарихий-этнографик атласлар, 1924 йилда ўтказилган Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси материаллари, 1926 йилда ўтказилган аҳоли пунктлари рўйхати материаллари кўшимча манба ҳисобланади. Айниқса, ўз таркибида турли-туман уруғларга хос бўлган элементларни сақлаб келаётган тилларни ва улар тарқалган ҳудуддаги этнотопонимларни ўрганиш ишида фақат лингвистик услубларнинг ўзи етарли бўлмайди. Бунинг учун археологик, антропологик ҳамда фольклор ва тилга оид материаллар мажмуасини тарихий-этнологик аспектда таҳлил этилиши лозим. Шу йўл билан этнотопонимларни таҳлил этилиши орқали турли элатлар орасида мавжуд бўлган этник алоқаларни билиш катта аҳамиятга эга эканлигини англаб олиш мумкин.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “*Зарафшон воҳаси аҳолиси этник таркибининг ўрганилиши тарихишунослиги*” деб номланади. Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва топонимлари бўйича илк илмий тадқиқотлар XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган бўлиб, асосан рус шарқшунос ва этнограф олимлари воҳага ташриф буюриб, бу борада ўзларининг дастлабки фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар. Бундан анча олдин Н.Хаников томонидан бошланган бу тарздаги изланишлар А.Гребенкин каби тадқиқотчилар томонидан изчиллик билан давом эттирилди. Турколог олим В.Радлов воҳанинг бир қатор вилоят ва туманларда бўлиб, маҳаллий аҳолининг этник таркиби, тил ва лахжа хусусиятлари масалаларини ўз

асарларида анча батафсил ёритди<sup>3</sup>. Мавзунинг ёритилиши масаласига совет даври ва мустақиллик йиллари, шунингдек, хорижда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида қараб чиқадиган бўлсак, Зарафшон воҳаси этник тарихи ва этнотопонимикаси масаласида турлича фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Зарафшон воҳаси ўзининг географик жойлашувига кўра шартли равишда уч қисмга – Юқори, Ўрта ва Қуйи Зарафшонга бўлинади. Воҳанинг юқори қисми – Зарафшон дарёсининг бошланғич нуқтаси ҳисобланиб, Туркистон, Морғузар ва Панжикент тоғ тизмаларидан бошланиб, асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларни ўз ичига олади. Ўрта Зарафшон – Самарқанд вилоятидан Навоий вилоятининг Кармана туманигача бўлган ҳудуд бўлиб, Самарқанд шаҳри бошланиш қисмида икки қисмга Оқдарё ҳамда Қорадарёга бўлинади ва 100 км масофадан сўнг яна туташади, шунингдек, бунга Зарафшон дарёсига қўшилиб боровчи дарёлар (Булунғур ариқ ва Нарпай канали) ҳам туташади. Қуйи Зарафшон – Навоий ва Бухоро вилояти ҳудудидаги пасттекислик бўлиб, Қизилқум чўллари билан туташган.

Ўрта Осиё аҳолисини этнографик жиҳатдан тадқиқ этишнинг янги бир босқичи XX асрнинг 20-йилларидан бошланади. Бу даврда этнографик тадқиқотлар характери ва аҳамияти ҳақида тарихшунослик тадқиқотларида таҳлил этилган. XX асрнинг 20-йилларида ўзбеклар этногенези ва уруғ-қабилавий тузилиши, ижтимоий ва оилавий турмуши, хўжалиги ва бошқа масалаларга оид бир неча этнографик асарлар пайдо бўлди. Илк нашрлардан профессор Е.Поливанов ва этнограф А.Потаповларнинг<sup>4</sup> ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистон ҳудуди тарихини этнотопонимик жиҳатдан тадқиқ этишда Зарафшон воҳаси этнотопонимикасига эътибор қаратган илмий изланишларнинг катта бир қисми Совет даври тарихшунослигига тўғри келади. Бу даврдаги тадқиқотлар орасида К.Шониёзов, Х.Дониёров, С.Қораев, У.Тўйчиев каби олимларнинг ишларида воҳа топонимияси, этнотопонимлар масаласи нисбатан кенг ёритилган<sup>5</sup>.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган диққатга сазовор тадқиқотлардан бири шарқшунос тарихчи олим Ш.Камолиддинга тегишлидир. Хусусан, унинг “Древнетюркская топонимия Средней Азии”<sup>6</sup> номли монографиясида Зарафшон воҳасининг тарихий топонимлари ҳам ўрин олган бўлиб, тадқиқотчи кўплаб далиллар асосида воҳа топонимларининг муҳим бир қисми туркий тил асосида шаклланиши кўрсатиб берилган. Кейинги ўн йилликларда Зарафшон воҳасига доир этнологик изланишлар олиб борган А.Маликовнинг тадқиқот ишлари

<sup>3</sup> Радлов В. Из Сибири // Страницы дневника. – М.: Наука, 1989. – С. 718.

<sup>4</sup> Поливанов Е. Этнографическая характеристика узбеков. Вып. 1. Происхождение и наименование узбеков. – Ташкент, 1926, – Потапов А. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «кунград» // Научная мысль. – 1930. – № 1. – С. 37-57.

<sup>5</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент.: Шарқ, 2001. – Б.462.; Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари. – Тошкент.: Фан, 1968; Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1978. – Б.203. Тўйчиев У. История расселения народов Узбекистана (по данным топонимии Зарафшанской долины): Автореф. канд...ист.наук.–Тошкент,1990.

<sup>6</sup> Камолиддинов Ш. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2016. – С. 45-46, 92-96.

эътиборга молик. Тадқиқотчи Зарафшон воҳаси ва унга қўшни ҳудудларда XIX аср охири – XX аср бошларида мавжуд бўлган этник ҳолатни ўрганиш давомида воҳадаги *қўнғирот*, *найман*, *сарой*, *қипчоқ*, *туркман* (“Нурота туркманлари” ёки “ўзбек-туркманлари”) каби ўнлаб ўзбек уруғларининг уруғ-қабилавий таркибига бағишланган бир қатор илмий мақолалар чоп эттирди<sup>7</sup>.

Хорижда ҳам воҳанинг этник ҳолатига доир бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Хусусан, З.Тўғон, Р.Фрай, А.Халид, С.Абашин<sup>8</sup> ва бошқа олимлар тадқиқотларида Зарафшон воҳасига доир топономик материаллар таҳлиliga эътибор қаратилган. Жумладан, тарихий Суғд ўлкаси, Зарафшон воҳаси ва қўшни ҳудудларнинг тарихий топонимларига бағишланган тадқиқотлар орасида суғдшунос П.Лурьенинг изланишлари кўлами билан алоҳида ажралиб туради<sup>9</sup>. Суғд топонимикасини диссертация мавзуси сифатида танлаб олиб, юзлаб жой номларини лингвистик-топонимик жиҳатдан таҳлил қилган ушбу тадқиқотчи қадимги форс, юнон, хитой ва араб-форс, суғдий ва туркий ёзма манбаларга таянган ҳолда Амударё – Сирдарё оралиғи, шу жумладан, Зарафшон воҳаси тарихий топонимларининг катта қисми суғдий тил асосида шакллангани ва уларнинг катта бир қисми ҳозирги кунгача етиб келганини кўрсатиб бера олган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда жаҳон фанида кўплаб илмий методлар ишлаб чиқилган бўлиб, бир қатор мамлакатларда, хусусан, Фарбда халқ ёки миллатнинг шаклланиш жараёнига конструктивлик (қурилма) назарияси нуқтаи назаридан ёндашилади<sup>10</sup>. Советлар ва постсовет (советлардан кейинги) мамлакатлар тадқиқотчилигида эса бу масалага кўпроқ этниклик, яъни халқ ва миллатларнинг ташкил топишига турли этносларнинг иштироки сифатида қаралади. Этнотопонимлар тарихини ўрганишда қиёсий таҳлил ва дала кузатув жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Топонимлар бошқа сўз категорияларидан фарқ қилиб, тарихнинг турли даврлари ва босқичлари ҳақида бой маълумотларни ўзида сақлайди. Топономик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ишлар лингвистик йўналишда амалга оширилган бўлиб, унда топонимларнинг луғавий маъноси ва транскрипцияга учраши аҳамитга молик масала сифатида

<sup>7</sup> Маликов А. Из истории кунгратов Среднеазиатского междуречья // Вклад кочевников в развитие мировой цивилизации. Сб. мат-лов Междунар. науч. конф. – Алматы: Дайк-Пресс, 2008. – С. 170-180; Ўша муаллиф. Родо-племенная организация и этнические компоненты узбеков группы кунграт долины Зарафшана // “Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари” мавзуидаги IV Республика конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 82-87; Ўша муаллиф. Узбеки группы «сарай» долины Зерафшана в XIX – начале XX вв. // Вухоро davlat universiteti ilmiy axboroti. – 2007. – № 3. – Б. 3 - 10.

<sup>8</sup> Frye R. N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954. – 178 p.; Абашин С. Национализмы в Средней Азии в поисках идентичности. – СПб.: Алетея, 2007. – С. 296. Khalid A. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early. – London: Cornell University Press, 2015. Togan N. Peygamberin zamanında Şarkı ve Garbi Türkistan'ı Ziyaret eden Çinli Budist rahibi Hsüen-Çang'ın bu ülkelerin Siyasi ve Dini Hayatına ait kayıtları // İTED. –Ankara, 1964. – Sayı IV/1–2. – S. 21–128.

<sup>9</sup> Lurje P. The element –kath/kand in the place names of Transoxiana // ST. 32. – Fascicule. – 2003. –№ 2. – P. 241.

<sup>10</sup> Хобсбаум Э. Изобретение традиций // Вестник Евразии. 2000, №1. – С. 60-61; Андерсон Б. Воображаемые сообщества: размышления об истоках и распространении национализма. – М.: Наука, 2001. – С. 24; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 34-37.

кўрилган. XX асрнинг сўнгига қадар яратилган адабиётларда масаланинг ғоявий ва сиёсий томонларига эътибор қаратилган ва топонимлар ҳам шу асосда таҳлил этилган бўлса. Сўнгги йилларда топонимлар этноснинг уруғлар ва қавмлар нуктаи назаридан алоқадорлик жиҳатларини очиб бериш долзарб масалага айланди. Шунинг учун тарихчилар, археологлар, этнологлар тез-тез топонимларга мурожаат қиладилар ва топонимик материаллардан муҳим манба сифатида фойдаланадилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Зарафшон воҳаси тарихий топонимикаси ва этнонимларининг шаклланиши”** деб номланган бўлиб, тадқиқотнинг ушбу қисмида топонимларнинг ўзига хос классификацияси тизими ва турлари, топонимларнинг ташкил топишида этнонимлар ва патронимларнинг тутган ўрни, шунингдек, топонимларда территориал гуруҳ аҳоли номлари акс этишининг ўзига хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *“Топонимларнинг таснифланиши ва унда тарихий маълумотларнинг акс этиши”* деб номланиб, унда XX асрда Зарафшон воҳасидаги топонимларнинг этник хусусиятлари масаласига тўхталиб ўтилган. Этник хусусиятларни таҳлил қилиш асосида топонимлар хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- воҳадаги аҳоли пунктлари (кишлоқ, овул, маҳалла) номларининг асосий қисмини туркий тил негизидаги жой номлари ташкил этиб, уларнинг сезиларли қисми этнотопонимлардан иборат;

- воҳа этнотопонимлари туркий асосга эга бўлиб, асосий қисми ўзбек уруғлари, бир қисми эса қозоқ, қорақалпоқ, туркман уруғларидан ташкил топган;

- ўзбек уруғлари билан боғлиқ этнотопонимларнинг аксарияти кўчманчи ўзбек уруғлари (асосан, қипчоқ), муайян бир қисми эса қарлуқ ва ўғуз уруғларидан иборат;

- анъанавий “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхатидаги 63 та уруғнинг номи Зарафшон воҳасида этнотопоним сифатида учраб, бу миқдор бошқа ҳудудларга нисбатан воҳада нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Ушбу бобнинг *“Зарафшон воҳаси топонимик қатламида этнонимлар ва патронимларнинг тутган ўрни”* деб номланган иккинчи параграфда XX аср Зарафшон воҳаси жой номларининг қатта қисмини патроним ва антропотопонимлар ташкил этиши таъкидлаб ўтилган. Хусусан, келиб чиқиши туркий, форсий, араб ва бошқа тиллар билан алоқадор ўнлаб жой номлари воҳанинг ҳар учала вилоятига қарашли туманларида мавжуд ва қайсидир ҳудудда бу ҳолат кўпроқ учраса, қайсидир туманларда эса аксинча эканлиги кўзга ташланади. Масалан, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда *хўжа, эшон, ҳожжи, шайх, мир, мулло* каби диний тоифа вакиллари (Шайх Рангрез, Почча хўжа, Мулла Шамси Муҳаммад, Хўжа Булғор, Мулло ҳоки, Миракон), *хон, амир, қушбеги, қози, доруго, мирзо* (Искандархон, Абдулло қушбеги, Асқарбий, Баҳодурбий, Кўкалтош) сингари етакчи тоифа вакиллари исмларидан иборат номлар кўпроқ учраса<sup>11</sup>, бошқа

<sup>11</sup> Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). – М: Наука, 1976. – С. 317, 368-375.

туманларда олд қисми муайян шахс исми, бир қисми эса бирор уруғ номи (этноним)ни билдирувчи киши исмлари билан аталувчи аҳоли манзиллари мавжуд (Булунғур туманида – Эсонтурди, Қирқ Аҳмад, Ниёзмат топонимлари).

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Аҳолининг - локал этнографик гуруҳлари ва улар билан боғлиқ топонимлар*” деб номланиб, унда топонимларнинг гуруҳ ва локал хусусиятларга кўра турли минтақаларга хос умумий жиҳатлар таҳлил қилинган. XX асрда Зарафшон воҳасида мавжуд бўлган топонимларни нафақат ўз уруғ номини билувчи аҳолига хос жой номлари, балки ўз номида илгари яшаган ҳудуд – муайян ҳудуд билан боғлиқ номлар, жумладан, урганжи, миришкор, қаршилиқ каби номлар учрайди. Шунингдек, булар қаторига чодаклик, кўкони, жандлик, деновли каби топонимларни ҳам қўшиш мумкин<sup>12</sup>. Асосан, уларнинг номидан келиб чиқиб мазкур номлардаги қишлоқлар аҳолиси аجدодларининг қайси ҳудудлардан кўчиб келганликларини аниқлаш қийин эмас. Масалан, урганжи – Хоразм воҳасидан, қаршилиқ – Қашқадарё воҳасидан, кўкони – Фарғона водийсидан келиб қолганлар ва ҳ.к. Шунингдек, “чиғатой”, “тот” каби этнотопонимларни ҳам шартли равишда бу гуруҳга қўшиш мумкин.

Боб юзасидан умумий хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин, Зарафшон воҳаси топонимларининг катта бир қисми аҳоли масканларининг табиий-географик жойлашуви, аҳолининг касб-кори билан боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, воҳадаги жой номларининг сезиларли бир қисми этнотопонимлардан иборат бўлган.

Воҳада жойлашган уч вилоят орасида Самарқанд вилояти этнотопонимларга бойлиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг Булунғур, Жомбой, Пахтачи, Пастдарғом, Каттакўрғон туманларида бундай жой номлари кўпчиликни ташкил этади. Кейинги ўринда Бухоро вилояти бўлиб, вилоятнинг Олот, Қоракўл, Шофиркон, Ёғдубон, Ромитан, Когон туманларида этнотопонимлар сезиларли бир қисмини ташкил қилса, Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи, Кармана туманлари этнотопонимларга бойлиги билан ажралиб туради.

Воҳа топонимларининг маълум бир қисмини территориал гуруҳ номи билан алоқадор жой номлари ташкил этиб, улардан катта қисмининг негизи мамлакатимиздаги турли вилоятлар ва туманлар билан боғлиқдир. Шунингдек, бу гуруҳга, аслида бошланғич этноним бўлмай, кейинчалик шунга яқин маъно касб эта бошлаган чиғатой, миришкор, тот каби аҳоли гуруҳлари билан боғлиқ жой номларини ҳам қўшиш мумкин.

Диссертациянинг “**Зарафшон воҳаси аҳолиси этник таркиби ва этнотопонимлари**” деб номланган учинчи бобида минтақа аҳолиси этник тарихининг асосий босқичлари, Зарафшон воҳаси ўзбек аҳолисининг шаклланиш тарихини тадқиқ этишда топономик маълумотларнинг аҳамияти, воҳадаги тожик ва туркман этносларининг шаклланишини ўрганишда

---

<sup>12</sup> Тўйчиев У., Эргашев Ш. Зарафшон водийси қишлоқ аҳолиси жойлашиши тарихидан // “Педагогик таълимда инновациялар: муаммолар, изланишлар ва ечимлар” мавзусидаги XXXIII Республика анъанавий, илмий-назарий ва амалий-услубий конференция материаллари. – Ангрэн, 2003. – Б. 22.

топонимларнинг ўрни, шунингдек, минтақадаги турли гуруҳларнинг этник таркибини ўрганишда топонимик материалларнинг аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи “*Минтақа аҳолиси этник таркиби шаклланишининг тарихий босқичлари*” деб номланади. Ушбу параграфда Зарафшон воҳасида юз берган этномаданий жараёнлар босқичлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижасида воҳада юз берган этномаданий жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олганлиги аниқланди:

- Милоддан аввалги сўнгги мингйилликнинг ўрталаридан то шу мингйилликнинг сўнгги асрларигача. Бу вақтда дастлаб Евроокиёнинг даштларидан скиф-сак ва сармат қабилалари Сирдарё бўйларига, кейинчалик мил.ав. III–II асрларда Еттисув ва унинг атрофларидан қанғ ва хун қабилалари Амударё–Сирдарё оралиғига, шу жумладан, Зарафшон ҳавзаларига кўчиб келганлар<sup>13</sup>.

- Милодий бир мингйилликнинг илк асрларидан то шу мингйилликнинг ўрталаригача. Олтой ва Шарқий Туркистон ҳудудларидан кидарий ва эфталий қабилалари кўчиб келиб, асосан минтақанинг жанубий ҳудудларига, Амударёнинг юқори ҳавзасига жойлашган<sup>14</sup>.

- Илк ўрта асрларда. Милодий VI–VIII асрларда минтақада Буюк Турк хоқонлигининг ҳукм суриши натижасида Амударё–Сирдарё оралиғида, шу жумладан, Зарафшон ҳавзаларида Мўғулистон, Олтой, Еттисув ҳудудларидан кўчиб келган этносларнинг салмоғи ортади<sup>15</sup>. Натижада аҳолининг этник таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, минтақада азалдан мавжуд туркий қатламнинг нуфузи янада ортади.

- Ривожланган ўрта асрларда. Дастлаб Қорахонийлар, кейинчалик Салжуқийлар, Қорахитойлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар даврида Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларидан туркий уруғларнинг Зарафшон ва Амударё ҳавзаларига кўчишлари кузатилади<sup>16</sup>. Бу пайтда туркийларнинг асосан қарлуқ, ёғмо ва чигил, қисман ўғуз қабилалари Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларда кенг ёйила бошлайди<sup>17</sup>.

- XIII–XV асрлар мобайнида дастлаб мўғуллар истилоси ва Чигатой улуси даврида, кейинчалик эса Темурийлар даврида Сирдарё, Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида тифиз этномаданий алоқала содир бўлди. Айниқса, Мўғулистон, Жанубий Сибирь ва Узоқ Шарқ кўчманчи (асосан турк-мўғул, қисман тунгус-манжур) этнослари Олтой, Шарқий Туркистон, Еттисув ўлкаларидаги туркий қабилаларни ўз таркибига олган ҳолда минтақанинг

<sup>13</sup>Аскарлов А. Арийская проблема: новые подходы и взгляды // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 81 - 91; Abdullaev K. Nomad migration in Central Asia // The international conference proceedings of the British academy 133. – London: British academy, 2007. – P. 73-98.

<sup>14</sup>Frye R., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler // Belleten. – 1946. – №. 10. – S. 179-192; Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: Автореф.... дисс. док.ист.наук. – Ташкент, 2012. – С. 19 - 21.

<sup>15</sup>Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. – 2002. – №2 (14). – Б. 40-43; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O'zbekiston tarixi. – 2009. – № 1. – Б. 15-24.

<sup>16</sup>Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Boston: Brill, 2003. – P. 28 - 32.

<sup>17</sup>Шониезов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 27, 152–153.



ушбу жануби-ғарбий ҳудудларига келиб жойлаша бошлайдилар. Темурийлар даврида эса бу жараён давом этиб, Волга–Уролбўйи ва Етгисув билан Амударё–Сирдарё оралиғида миграцион жараёнлар мунтазамлик касб этади. Бу даврда *қўнғирот, арғун, жалоийир, уйшун, найман, барлос, арлот* каби яна бир неча ўнлаб туркий ва турклашган мўғул уруғлари ушбу жараёнларнинг марказида бўлади<sup>18</sup>.

- Шайбонийлар – Аштархонийлар даври – XVI–XVIII асрларда. Асосан Волга–Уролбўйи ва қисман Сариорқа даштлари (Марказий Қозоғистон) ва Ғарбий Сибирдан бир неча ўнлаб туркий ва турклашган мўғул уруғлари Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларга келиб жойлашадилар<sup>19</sup>. Бу даврда асосан туркийларнинг қипчоқ уруғлари фаоллашиб, Жиззах, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида кенг ёйиладилар<sup>20</sup>.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “*Зарафшон воҳасида ўзбек этнографик гуруҳлари билан боғлиқ этник номлар*” деб номланиб, унда воҳада яшовчи миллий-этник гуруҳларнинг этник таркибини ўрганишда нафақат статистик ёки ёзма манбалар, балки бу масалани ёритишда топономик материалларнинг ҳам ўрни катта эканлигига эътибор қаратилган. Хусусан, қадимги форс, юнон, лотин, хитой, хинд, тибет, арман, сурёний, суғдий, араб, туркий каби турли тиллардаги ёзма манбаларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлар, шунингдек, Етгисув ва Шарқий Туркистонда юзлаб қадимий жой номлари қайд қилинган. Айнан мазкур жой номларининг сезиларли қисми ҳозирги кунгача сақланиб қолинган<sup>21</sup>. Айнан мазкур жой номларидаги топономик маълумотлардан аён бўлишича, Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмларида кўпроқ туркий жой номлари, минтақанинг жануб ва жануби-ғарбий қисмида кўпроқ эроний тилли аҳоли масканлари кенг тарқалганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Ушбу бобнинг “*Воҳада тожик, туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа миллий-этник гуруҳларга оид этнотопонимлар*” деб номланган учинчи параграфида Зарафшон воҳасида сон жиҳатдан ўзбеклардан кейинги ўринда турувчи этник гуруҳлар билан боғлиқ этнонимлар таҳлилга тортилган. Воҳада катта ҳажмни ташкил қилувчи тожик тилли аҳоли қадим даврлардан бери маҳаллий аҳоли ҳисобланган. Баъзи ўринларда “тожик”, баъзан эса “тожик тилли” аҳоли деб аталишининг сабаби шундаки, уларнинг катта қисми этник жиҳатдан тожик бўлсалар, сезиларли бир қисми эса тожик тилида сўзлашувчи араблардан иборатлигидир<sup>22</sup>.

Зарафшон воҳасида туркман халқи билан боғлиқ жой номлари ҳам учрайди. Марказий Осиёнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур каби туркий халқлари қаторида туркманлар ҳам миллат сифатида шаклланиш

<sup>18</sup> Султанов Т. Опыт анализа традиционных списков «92 племен иланий» // Средняя Азия в древности и средневековье. – М.: Наука, 1977. – С. 165 - 176; Bregel Y. An historical atlas of Central Asia... – P. 36 - 41.

<sup>19</sup> Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 15-17, 22-23.

<sup>20</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 25.

<sup>21</sup> Камолитдин Ш. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006. – С. 192; Ўша муаллиф. Ancient Türkic Toponyms of the Middle Asia (Turkic Place-Names in Ancient and Early Medieval Sources). – Saarbrücken: LAP LAMBERT, 2010. – P. 188.

<sup>22</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 158, 207.

жараёнида муайян макон ва замон билан боғлиқ равишда турли этносиёсий босқичларни босиб ўтишган.

